



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz

№3

2026-yil

21-yanvar, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqqa boshlagan



ИШОНЧЛИ МАЪЛУМОТ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Ким қаерда яшаяпти, қандай шароитга эга? Болалар, ёшлар ва кексалар сони қанча? Умуман, Ўзбекистон аҳолисининг ёши, яшаш жойи, оилавий аҳволи, таълими ва меҳнат фаолияти ҳақида аниқ рақамлар борми?

Ушбу саволларга жавоб топиш жамиятнинг бугунги ҳолатини кўриш, эртанги кунини режалаштириш учун зарур. Чунки ҳар бир рақам ортида инсон, жамият ва давлат манфаати туради. Келинг, оддий тилда изоҳлаймиз.

► (Давоми 4-бетда)

СИЁСИЙ ПОЗИЦИЯДА ҚАТЪИЙЛИК ВА ҲИСОБДОРЛИК

БРИФИНГ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг 2025 йилги фаолияти якунлари ва жорий йил учун асосий вазифалар юзасидан брифинги ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сўл қанот сиёсий куч сифатида мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги таъминланиши, эҳтиёжманд фуқаролар ҳимояланиши ва қўллаб-қувватланиши, ҳар бир инсон таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, муносиб меҳнат қилиб, барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун интилади.

► (Давоми 3-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА



ЯЛПИ МАЖЛИС: ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ИҚТИСОДИЙ СОҶАЛАРДА ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисида иштирок этиш учун йиғилган депутатлар бир-бирлари билан самимий, кўтаринки кайфиятда фикр алмашиб олишганидан сўнг йиғилиш бошланди...

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР МУОМАЛАСИ
ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАР ДАРАЖАСИДА ТАРТИБГА СОЛИНАДИ


Фармацевтика соҳаси ривожланса, аҳолини сифатли ва хавфсиз дори воситалари билан таъминлаш даражаси ошади, соғлиқни сақлаш тизими самарадорлиги мустаҳкамланади.

Мажлисида дастлаб "Фармацевтика фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини халқаро мезонлар даражасида тартибга солиш, ҳужайра технологияси асосидаги биотехнология воситаларини ишлаб чиқаришни жорий этиш белгиланмоқда.

► (Давоми 2-бетда)

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

Азалият тақдирдан маълумки, ҳар қандай буюк цивилизация ва қудратли давлатнинг пойдевори илм-фан ва маърифат асосига бунёд этилади. Ўзининг ҳукмронлик даврида олим-фузалоларга ҳомийлик қилган, уларнинг кашфиётлари ва изланишларига шароит яратган ҳукмдорлар ўзлари бошқарган ҳудудларни мисли кўрилмаган юксалиш чўққисига олиб чиққанлар. Бу борада, айниқса, Марказий Осиё цивилизацияси тарихидаги буюк давлатлар тажрибаси ҳаммамизга яхши маълум. Илмий инновацияларга Маъмун академияси мисолида сармоя киритган Хоразмшоҳлар, илм-фан ва санъатга ҳомийликни давлат сиёсатининг асосий устунига айлантирган, улкан империя соҳиби Амир Темур, мамлакатда аниқ фанларни ривожлантириш орқали илмий тафаккур муҳитини яратган Мирзо Улуғбеклар ҳудудий иқтисодиётни жонлантиришда илк тарихий реформаторлар бўлганлар. Натижада ушбу ҳудудлар интеллектуал салоҳият тўғрисидаги ўз даврининг энг қудратли, фаровон ва ижтимоий жиҳатдан гуллаб-яшнаган марказларига айланди.

► (Давоми 6-бетда)

ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ САРИ

Ирода, ишонч ва имкониятлар чексизлиги

Бухоролик параспортчи, 2025 йил декабрь ойида Дубай шаҳрида ўтган ёшлар Параолимпиядада 4 та олтин медални қўлга киритган Баҳодир Муҳаммедов инсондаги қатъий ишонч, ирода ва меҳнат ёруғ орзулар рўёбига йўл очишини, ҳатто жисмоний имкониятнинг чеклангани ҳам бунда тўсиқ бўла олмаслигини амалда исботлай олган шижоатли ўғлонларимиздан.



► (Давоми 7-бетда)

ОБОД МАНЗИЛЛАР



ШАҲРИСАБЗДА ЯРАТИЛГАН ТАЖРИБА

соф табиат,
сайилгоҳлар ва обод
бўлаётган гўшалар

Агар таъбир жоиз бўлса, мамлакатимиз харитасида Шаҳрисабз тумани ва шаҳри яшил ранглар билан чизилган. Шаҳри Кешнинг кундан-кунга обод бўлиб бораётгани, мақом санъати маркази деб ном олгани, асл қадриятларимиз эъзозланаётгани ва бошқа қатор омиллар уни дунёга танитмоқда.

► (Давоми 8-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ЯЛПИ МАЖЛИС: ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ИҚТИСОДИЙ СОҶАЛАРДА ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, фармацевтика соҳасида технологиялар трансферини кенг қўллаш, организмнинг функционал имкониятларини тиклаш учун қўлланиладиган дори воситаларни тиббиёт амалиётига татбиқ қилиш назарда тутиляпти.

Ушбу қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар маҳаллий фармацевтика корхоналарининг қувватини ошириш, соҳага замонавий технологиялар трансферини жорий этиш, соғлиқни сақлаш амалиётида хужайра технологиялари асосидаги биотехнология воситаларини қўллаш, тиббий жиҳозлар импорти ва экспортини кенгайтириш, халқимизнинг саломатлигини мустаҳкам ҳимоя қилишга қаратилган.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ЎСИМЛИКЛАР СОҶАСИДА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИЛМОҚДА

Мажлисида ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича битимига мувофиқлаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатларига ЖСТнинг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича битимида белгиланган қоида ва нормаларга мувофиқлаштириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ўтган даврда қонун лойиҳасига масъул қўмита томонидан биринчи ўқиш давомида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қонун лойиҳаси такомиллаштирилди. Хусусан, лойиҳанинг номи амалиётдан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирилди. “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги қонун нормалари халқаро стандартлар билан қайта солиштириб чиқилди.

Бундан ташқари, халқаро фитосанитар стандартларда ўз кучини йўқотган айрим принцип ва тушунчалар қонун лойиҳасидан олиб ташланган. Асосий тушунчалар халқаро конвенциялар ва стандартларга мос равишда аниқлаштирилган.

Мажлисида лойиҳада назарда тутилаётган нормалар фитосанитария соҳасидаги қонун ҳужжатларини бугунги кундаги барча халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга, мамлакатимизда етиштирилган ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларининг халқаро савдода тўсиқларсиз ҳаракатланишига, ўсимликлар карантини соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ҚҲРИҚЛАШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛМОҚДА

Мажлисида “Қўриқлаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга

киритилаётган ўзгартиришлар доирасида маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллашга оид ваколатлар Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаларининг тегишли мансабдор шахсларига берилмоқда.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ҳамда “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонунларга киритилаётган ўзгартиришлар орқали қўриқлаш фаолияти соҳасида Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг ваколатлари чегараси аниқ белгиланяпти.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ФИТОСАНИТАР ФАОЛИЯТНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШГА ДОИР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Мажлисида фитосанитар зарарсизлантириш фаолиятини лицензиялашга доир қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан фитосанитар зарарсизлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш, ушбу фаолиятни юридик шахслар томонидан амалга ошириш, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини импорт ва экспорт қилувчилар учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, зарарсизлантириш тадбирлари инсон ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфсиз бўлган усуллар асосида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасига масъул қўмитанинг маълум қилишича, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида у ишчи гуруҳ аъзолари ва депутатлар таклифлари асосида такомиллаштирилган.

Шунингдек, айни пайтда ЖСТ талабларига мослаштиришга қаратилган бошқа қонун лойиҳаси билан такрорланаётган нормалар, хусусан, асосий тушунчалар, ваколатлар, мажбуриятлар ҳамда карантин тартиб-таомилларига оид қоидалар ушбу лойиҳадан чиқарилган.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ҲУҚУҚНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Мажлисида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан маъмурий суд ишларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш, яъни, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий, халқаро стандартларга мос механизмларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу янгиликлар маъмурий суд ишларини юритиш самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган янги институт ва тартибларни жорий этишни назарда тутди.

Қонун лойиҳаси билан жорий этилаётган муҳим янгиликлардан бири — “ишончининг ҳуқуқий ҳимояси” принциpidир. Унга кўра, давлат органининг қарор ёки ҳужжатига ишониб, виждонан ҳаракат қилган фуқаро ёки тадбиркорнинг ҳуқуқлари қатъий ҳимоя қилинади. Давлат органи хатоси учун ҳалол фаолият юритган шахс жавобгар бўлмаслиги қонун даражасида мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки эшитув институти жорий этиляпти. Ушбу босқич суд муҳокамасигача далилларни тўплаш, даъво талабларини аниқлаштириш ва тарафларни келиштириш имконини беради. Бу эса ишларни кўриш муддатларини қисқартириш, ортиқча харажатларни камайтиришга хизмат қилади.

Лойиҳадаги яна бир муҳим янгилик — давлат органлари мансабдор шахсларининг суд мажлисларида мажбурий иштироки белгиланаётганидир. Асосиз сабаблар билан судга келмаган мансабдор шахсларга нисбатан суд жарималари қўлланилиши назарда тутилмоқда. Бу давлат органлари масъулиятини ошириш, суд жараёнларида ҳақиқий тортишув ва очиқликни таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, судга ҳурматсизлик қилганлик ёки суднинг хусусий ажримларини ижро этмаганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш ваколати бевосита маъмурий судларнинг ўзига берилаётгани суд ҳокимиятининг нуфузи ва таъсирчанлигини янада мустаҳкамлайди.

Ташаббускорларнинг маълум қилишича, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Германия, Япония, Эстония ва Франция каби ривожланган давлатларнинг маъмурий адлия соҳасидаги илгор тажрибаси чуқур ўрганилган, шунингдек, коррупцияга қарши ва гендер экспертизаларидан ўтказилган ҳамда жамоатчилик муҳокамасида қўллаб-қувватланган.

Мажлисида депутатлар томонидан янги тартибларнинг жорий этилиши давлат органлари фаолияти устидан самарали суд назоратини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, энг муҳими, фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР МУҲОҶАЗАСИ

Мажлисида “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар улушини ошириш, шунингдек, сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва туристик хизматлар кўламини кенгайтиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар замонавий рақамли тўлов тизимларини жорий этиш ва халқаро онлайн тўлов компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан лойиҳада Ўзбекистон ҳудудида мажбурий тарзда сақланиши лозим бўлган шахсга доир маълумотлар турларини аниқ белгилаш, шунингдек, айрим маълумотларни чет элда қайта ишлаш ва сақлаш учун хавфсизлик, халқаро стандартларга риоя этиш ва ваколатли орган талабларини бажариш каби шартларни жорий этиш таклиф этилмоқда.

Мажлисида ушбу ўзгартиришлар орқали халқаро тўлов тизимларини мамлакатимизга жалб қилиш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, рақамли хизматлар бозорини кенгайтириш ҳамда фуқаролар ва сайёҳлар учун замонавий тўлов имкониятларини яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМДА МАЪМУРИЙ СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШДА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ

Мажлисида фуқаролар ва тадбиркорлар учун иқтисодий ҳамда маъмурий судларга мурожаат қилишда қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят ва Иқтисодий процессуал кодекслари, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, шунингдек, “Судлар тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Жумладан, маъмурий суд ишлари юритишда — ҳуқуқи бузилган шахсларнинг танловига кўра, иқтисодий суд ишлари юритишда эса — тарафларнинг келишувига

асосан экстерриториал судлов механизмини жорий этиш таклиф этилмоқда. Бунда ишни кўриб чиқадиган суд автоматлаштирилган ахборот тизими орқали белгиланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, иқтисодий судлар тузилмасини оптималлаштириш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсад қилинган. Бунинг доирасида туманлараро, туманлар, шаҳар иқтисодий судлари тугатилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида туманлараро иқтисодий судлар фаолияти йўлга қўйилиши белгиланмоқда.

Яна бир муҳим янгилик, агар қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатилган бўлса ва даъво аризаси шу иш доирасида кўрилиши лозимлиги сабабли кўрмасдан қолдирилса, давлат божи қайтарилиши белгиланяпти.

Мажлисида таклиф этилаётган ўзгартишлар судга мурожаат қилишдаги ортиқча оворгарчиликларни камайтириш, коррупциявий омиллارни бартараф этиш ҳамда суд қарорларининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

РАҚАМЛИ МАРКИРОВКАЛАШ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНДИ

Мажлисида рақамли маркировкалаш тизими самарадорлиги оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан “масофавий солиқ текшируви” тушунчасига аниқлик киритилиб, мазкур текширувни ўтказиш тартибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш ҳамда бюджет даромадлари барқарорлигини мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Бундан ташқари, маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича масофавий солиқ текширувини солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан, ҳуқуқбузарлик юзасидан икки марта оғохлантириш берилганидан сўнг ўтказиш, шунингдек, мазкур ҳолат бўйича қарор қабул қилиш жараёнларини тезкор ташкил этиш қонуний асосда белгиланмоқда.

Шу билан бирга, ҳуфиёна айланма ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, айрим шахслар томонидан маркировкалаш қоидаларини четлаб ўтиш орқали ноқонуний даромад олиш мақсадида аҳолига сифатсиз ёки қалбаки маҳсулотларни, жумладан, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, дори воситалари, салқин ичимликлар ва бошқа товарларни реализация қилиш ҳолатлари кузатилмақда.

Мазкур қонун лойиҳаси айнан шундай ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда инсофли солиқ тўловчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи омиллارни бартараф этишга қаратилган.

Халқ вакиллари қонун лойиҳасида солиқ назоратини амалга оширишда замонавий ёндашувларни жорий этиш, хусусан, маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича масофавий солиқ текширувини ўтказиш тартибини аниқ белгилаш ҳамда ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга қаратилган профилактика механизмлари лойиҳада назарда тутилганлигини маъқуллашди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ортиқча аралашувларнинг олдини олиш, солиқ маъмуричилигини соддалаштириш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида солиқ тўловчи ҳузурига бормасдан текширув ўтказиш, шунингдек, қарор қабул қилиш жараёнларини тезкор ташкил этишга оид нормалар лойиҳада акс эттирилгани ижобий баҳоланди.

Депутатлар қонун лойиҳаси билан киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳуфиёна айланма ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

БРИФИНГ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Парламент Қонунчилик палатасидаги фракциямиз ана шу сиёсий позициядан келиб чиқиб, юртимиздаги кенг қамровли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этишни мақсад қилган. Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан партия сайловолди дастурида илгари сурилган ғоя ва ташаббусларни амалга ошириш борасида, ижтимоий соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, сайловчилар билан мулоқотни кучайтириш, жойларда фуқароларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммоларни таҳлил қилиб бориш, ижро органлари фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Ҳисобот даврида қонунлар муҳокамаларида муқобил таклифлар бериш, партия электорати овозини парламент ва ҳукуматга етказиш, мамлакатда кучли ижтимоий сиёсатни изчил давом эттириш, ҳукумат томонидан Қонунчилик палатасига киритилаётган Давлат дастурлари ва Бюджет лойиҳасининг тасдиқланиши ва ижроси таъминланиши ҳамда қонун лойиҳаларининг электорат манфаатларига тўғридан-тўғри хизмат қилишига эришиш

СИЁСИЙ ПОЗИЦИЯДА ҚАТЪИЙЛИК ВА ҲИСОБДОРЛИК



масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналишлар бўйича Ўзбекистон ХДП фракциясининг конструктив позицияси фракциямиз мажлисларида, Қонунчилик палатасининг ялпи

мажлисларида, шунингдек, албатта, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда кенг эълон қилиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил

26 декабрь куни Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида жорий йилдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Ушбу Мурожаатнома нафақат келгуси йил учун ҳаракатлар дастури, балки Янги Ўзбекистонда шаклланаётган ижтимоий давлат моделининг аниқ концептуал ифодаси сифатида ҳам аҳамиятли бўлиб, ундаги ғоялар амалга ошишини фракциямиз тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Мурожаатномада белгиланган ижтимоий масалалар, аввало, инсон ҳаётининг энг асосий соҳаларини қамраб олади. Бандлик, камбағалликни қисқартириш, таълим ва тиббиёт сифатини ошириш, маҳалланинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, асосийси, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш. Буларнинг барчаси партиямизнинг, фракциямизнинг сиёсий мақсадлари билан ҳамоҳанг. Шу нуқтаи назардан фракциямиз ислохотларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда бевосита иштирок этади. Брифинг сўнггида фракциямиз Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига эришиш, электорат манфаатларини изчил ҳимоя қилиш йўлида сўл қанот партия фракцияси сифатида парламентда ўзининг сиёсий позициясини қатъий билдириб бориши маълум қилинди.

ЎХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

ҚОНУН ВА ШАРҚ

ШАҲАРСОЗЛИККА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛМОҚДА



Шокиржон АХМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Био ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги ҳамда сейсмик хавфсизлигини назорат қилишда давлат назорати ва бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бугунги кун учун ниҳоятда долзарбдир. Ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқиلىшининг зарурати нимада? Мамлакатимизда аҳоли сони ўсиши билан уй-жойга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Шу мақсадда давлат томонидан уй-жой қурилиши соҳасида фаолият юритаётган тadbиркорларга кенг имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Натижада сўнгги тўққиз йилда қурувчи тadbиркорлар сони уч-тўрт баробарга, кўп квартирали уй-жойлар қурилиши эса сезиларли даражада ошди. Бироқ айрим ҳолатларда берилган имконият ва имтиёзларни суистеъмол қилиб, тегишли рухсатномаларсиз ва ҳужжатлар расмийлаштирилмасдан ноқонуний қурилиш ишлари олиб борилаётгани кузатишмоқда. Бу эса уй-жой сотиб олган фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлмоқда. Давлат раҳбарининг топишиқлари асосида ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан 2017–2024 йилларда қурилган 8 974 та, 2025 йилда қурилиши режалаштирилган 2 559 та ҳамда фойдаланишга топширилган 301 та, жами 11 834 та кўп квартирали уй-жойнинг зилзилабардошлиги хатловдан ўтказилди. Уларнинг 10 705 таси (90 фоиз) ҳужжатли ва визуал ўрганилди. Ўрганишлар натижасида 3 107 та уй-жой хусусий экспертизадан ўтказилган, 1 434 таси рўйхатдан ўтмагани, 185 тасида ноқонуний қават қўшилгани аниқланди. Шунингдек, 9 397 та уй-жой (88 фоиз) мустаҳкамлик талабларига жавоб бериши, 1 308 та уй-жойда эса қўшимча инструментал-техник текширув зарурлиги белгиланди. 2025 йил 1 июлдан ўзбошимчалик билан қурилган био-иншоотларни рўйхатдан ўтказиш тўхтатилган бўлса-

да, ноқонуний қурилишлар сони 213 тага етгани қайд этилди. Қўрилган чоралар натижасида 85 та лойиҳа ташкилотига нисбатан тақдимнома киритилиб, 8 тасининг лицензияси бекор қилинди, 128 та кўп қаватли бинода ноқонуний қурилиш аниқланди ва 58 таси буздирилди. Шунингдек, 52 та ҳолат бўйича жиноят ишлари қўзғатилди. Ана шу ҳолатлардан келиб чиқиб, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида ишчи гуруҳи томонидан, тегишли вазирлик ва идоралар иштирокида мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳага кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўп квартирали уйларни рухсатсиз қурганлик учун жавобгарлик, такроран содир этилганда эса жиноий жавобгарлик белгилаш таклиф этилмоқда. Шунингдек, Шаҳарсозлик кодексига «мастер режа» шаҳарсозлик ҳужжатларидан бири сифатида белгиланмоқда. Бундан ташқари, лойиҳа билан кўприклар ва тоннелларни, потенциал хавфи юқори бўлган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш учун лицензия турларининг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда бериш талабини бекор қилиш, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш бўйича хабардор қилиш тартибини рухсатнома бериш тартибига ўзгартириш таклиф этилмоқда. Шунингдек, маъмурий ислохотлардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига сейсмик хавфсизлик бўйича бир қанча ваколатлар назарда тутилиб, айрим нормалар амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мослаштирилмоқда. Қонун лойиҳаси амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мос равишда ўзида бир қанча юридик ва техник ўзгартиришларни ҳам акс эттирган. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши: Биринчидан, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида кўпайиб бораётган ноқонуний қурилишларнинг олдини олишга; Иккинчидан, сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасига замонавий илмий ва техник ёндашувларни жорий этишга; Учинчидан, био ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини янада кучайтиришга; Тўртинчидан, қонунчилик ҳужжатларидаги номувофиқликларни бартараф этишга хизмат қилади.

МУНОСАБАТ

ВАТАНПАРВАРЛИК – МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ МАЪНАВИЙ ПОЙДЕВОРИ



Махфуза ЮЛДАШЕВА, сиёсий фанлар доктори, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 13 январь куни бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган ййғилишида илгари сурилган устувор вазифалар, минтақавий ва глобал вазиятнинг тез ўзгарувчан хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгилаб олинган стратегик йўналишлар давлат хавфсизлиги масаласига фақат бугунги кун нуқтаи назаридан эмас, балки келажак таҳдидларини олдиндан англаган ҳолда ёндашилаётганини кўрсатди. Бу эса мамлакат эртасига бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди. Бугун дунё кескин геосиёсий зиддиятлар майдонига айланиб бормоқда. Қуролли тўқнашувлар, иқтисодий санкциялар, ахборот уруши, мафкуравий босим ва кибертаҳдидлар давлатлар хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Энди хавф фақат ҳарбий чегараларда эмас – у онглар майдонида, ахборот маконида, рақамли муҳитда намоён бўлмоқда. Президентимиз ййғилишда замонавий уруш табиати тубдан ўзгарганини таъкидлаб, бугун ғалаба қурол-яроғ миқдори билан эмас, технология, бошқарув самарадорлиги, инсон капитали ва интеллектуал устунлик билан белгиланишини алоҳида қайд этди. Шу ўринда миллий хавфсизлик масаласига кенроқ нуқтаи назардан қараш зарур. Чунки хавфсизлик – бу фақат ҳарбий қудрат эмас, балки жамиятнинг ички барқарорлиги, фуқароларнинг давлатга ишончи, умумий

қадриятлар атрофида бирлашиш қобилиятидир. Ана шу маънавий барқарорликнинг марказида ватанпарварлик тушунчаси туради. Ватанпарварлик – бу юксак шиор ёки бир кунлик давват эмас. У инсон онгида, жамият маънавиятида шаклланадиган ўзлуксиз жараёндир. Юртини севган инсон тинчликни қадрлайди, ислохотларга бефарқ бўлмаydi, жамият тақдирига дахлдорлик ҳиссини чуқур англаydi. Бундай фуқаролик позицияси эса ҳар қандай ташқи ва ички таҳдидларга қарши энг кучли маънавий қалқондир. Бугунги мураккаб геосиёсий шароитда бир ҳақиқат янада равшан кўринади: тинчлик – тасодиф эмас, у онгли танлов, шунчаки ҳолат эмас, балки асраб-авайлашни, англашни ва қадрлашни талаб қиладиган неъматдир. Айни пайтда ахборот маконида кузатилаётган турли провокациялар, жамиятни бўлишга қаратилган мафкуравий таъсирлар ҳам миллий хавфсизлик учун жиддий хавф туғдирмоқда. Бундай шароитда жамиятнинг интеллектуал иммунитетини мустаҳкамлаш, танқидий фикрлаш маданиятини ошириш, маънавий барқарорликни таъминлаш устувор вазифага айланади. Президент нутқида ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш, ҳарбий-илмий базани ривожлантириш, кибер ва муҳандис-техник мутахассисларнинг янги авлодини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Замонавий армия – бу фақат замонавий техника эмас, балки билимли, маънавий баркамол, ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси кучли бўлган инсонлар жамоасидир. Шунингдек, ёш авлод тарбияси масаласи миллий хавфсизлик билан бевосита боғлиқ экани ҳам алоҳида таъкидланди. Ёшлар тинчлик қандай машаққат билан қўлга киритилганини, барқарорликнинг қадрини англаб етиши,

ватанпарварликни ҳаётий қадрият сифатида қабул қилиши лозим. Бу эса таълим, тарбия ва маънавий ишлар тизими олиб берилгандагина самара беради. Мамлакат хавфсизлиги фақат ҳарбий соҳадаги чора-тадбирлар билан чекланиб қолмайди. У жамият маънавияти, фуқаролар онги, ўзаро ишонч ва бирдамлик муҳити билан узвий боғлиқ. Тинч диёрда яшаётганимиз учун шукроналик ҳисси, ўзаро муросасозлик ва бағрикенглик руҳини асраш – миллий барқарорликнинг энг муҳим шартларидир. Ватанпарварлик ана шу барқарорликни таъминлайдиган маънавий пойдевор сифатида Янги Ўзбекистон тараққиётининг ишончли кафолати бўлиб қолмоқда. Шу пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, юртимиз келажаги ҳам шунчалик осойишта, барқарор ва фаровон бўлади. Геосиёсий кескинлик кучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон халқаро майдонда зўравонликка эмас, мулоқотга, куч сиёсатиға эмас, ҳуқуқ ва ҳамкорликка таянаётган давлат сифатида майдонга чиқмоқда. Бу ёндашув халқаро ҳуқуқ, тинчлик, толерантлик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган. Ахборот уруши даврида айнан маънавият, миллий бирлик ва ёшларнинг онгли позицияси давлат хавфсизлигининг энг муҳим омиллига айланмоқда. Шу боис, ёш авлодни ватанга муҳаббат, тинчликка садоқат ва масъулият руҳида тарбиялаш масаласи стратегик аҳамият касб этади. Хулоса қилиб айтганда, Хавфсизлик кенгаши ййғилишида белгиланган вазифалар Ўзбекистон миллий хавфсизлик сиёсатида комплекс ёндашув шаклланаётганини кўрсатди. Бу ёндашув ҳарбий қудрат, маънавий барқарорлик, интеллектуал салоҳият ва тинчлик дипломатиясини ягона тизим сифатида қарашга асосланади. Ана шу уйғунлик мамлакатимизни турли замонавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жамиятда ишонч ва барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.



ИШОНЧЛИ МАЪЛУМОТ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Қайси ҳудудда болалар кўп бўлса, у ерда боғча ва мактаблар етишмаслиги мумкин. Аниқ рақамлар келиб чиққанда, иш ўринларига қаерда кўпроқ эҳтиёж борлиги ойдинлашади. Қаерда кексалар сони кўп бўлса, тиббиёт муассасалари ва ижтимоий хизматларни кўпайтириш зарурати юзага келади. Инфратузилма – йўл, сув, электр таъминотини қайси ҳудудларда янада кучайтириш кераклиги аҳоли сони очиклансагина, яққол кўзга ташланади.

Шу нуқтаи назардан аҳолини рўйхатга олиш муҳимдир. Чунки, режалаштириш аниқ бўлса, адолатли тақсимот бўлади.

АНИҚ РАҚАМЛАР ТЎҒРИ ҚАРОРЛАР УЧУН ЭНГ МУҲИМ АСОСДИР

Аввало, таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда 1989 йилдан кейин илк бор умуммиллий рўйхатга олиш ўтказилмоқда. Утган даврда аҳоли сони анча ошди, ижтимоий-иқтисодий шароитлар ҳам кенгайди. Лекин шу пайтгача бундай кенг кўламдаги рўйхатга олиш амалга оширилмаган.

Ваҳоланки, бу тадбир мамлакатнинг демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларини йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ва эълон қилиш учун муҳимдир.

**Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:**

– Аҳолини рўйхатга олиш аҳоли ҳақида тўлиқ, аниқ ва ишончли маълумотларни йиғишга қаратилган муҳим жараён, албатта. Кўпчилик буни фақат одамлар сонини аниқлаш деб билади. Аслида бундай эмас. Бу уларнинг ёши, яшаш жойи, таълим даражаси, иш билан бандлиги, оилавий аҳволи каби ҳаётий муҳим кўрсаткичларни ҳам қамраб олади.

Чунки, агар аҳоли тўғрисидаги маълумотлар эски, нотўлиқ ёки хатоликларга бой бўлса, қабул қилинаётган қарорлар ҳам самара бермайди. Бу нимага олиб келади? Бюджет маблағларининг самарасиз сарфланшига, ижтимоий муаммоларнинг чуқурлашишига ва аҳоли ишончининг пасайишига олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, рўйхатга олиш нафақат статистик тадбир, балки давлат ва аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган муҳим сиёсий элементдир.

Эсингизда бўлса, мамлакатимизда “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонун 2020 йил 16 мартда қабул қилинган эди. Бу орқали аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди. Мақсад эса Ўзбекистонда аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида, мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва ҳолис ахборотларни умумлаштиришдан иборат эди.

Унда аҳолини ҳар 10 йилда, қишлоқ хўжалигини эса ҳар 5 йилда камда бир марта рўйхатдан ўтказиш белгиланганди.

Аҳолини тўлақонли рўйхатга олишни ўтказиш учун зарур ҳуқуқий асосларни яратиш, халқаро тажрибани ўрганиш ва бошқа тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш маълум вақтни тақозо этарди. Шу нуқтаи назардан бу жараёнга босқичма –босқич жиддий тайёргарлик кўрилди.

Утган йилнинг 19 сентябрь куни Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Унга кўра, рўйхатга олиш тадбири 2026 йилнинг 15 январидан 28 февралигача ўтказилади. Дастлабки 17 кун жараён интернет орқали амалга оширилса, кейинги мuddатда “маҳалла еттилиги” иштирокида уйма-уй юриб ўтказилади.

Ушбу кенг кўламли тадбир аҳолининг реал эҳтиёжларини тўғри баҳолаш ва қишлоқ хўжалигининг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ ишга солишда муҳим ҳисобланади. Шу маънода, аҳолини рўйхатга олишда қатнашиш — ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир. Қандай қилиб сайловда овоз бериш муҳим бўлса, рўйхатга олиш ҳам шундай аҳамиятли. Бу тадбир ҳар 10 йилда бир марта ўтказилади.

Кам вақт олади, лекин натижаси узок йилларга хизмат қилади. Шунинг учун бефарқ бўлмастик, саволларга тўғри жавоб бериш орқали жамият ривожига ҳисса қўшиш ҳар биримиз учун муҳим.

ЖАМИЯТНИ АНГЛАШ ФОРМУЛАСИ

**Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
Мирзо Улуғбек тумани
“Алишеробод” МФЙ раиси,
халқ депутатлари туман
Кенгашидаги ЎзХДП
депутати:**

– Рўйхатга олиш натижалари жамиятнинг “ойнаси” ҳисобланади. Бу ойна орқали аҳолининг қайси қатлами кўпроқ ёрдамга муҳтож экани, қаерда инфратузилма заифлиги, қайси ҳудудларда аҳоли тез ўсиб бораётгани аниқланади.

Кўпинча одамлар “мен қатнашмасам ҳам ҳеч нарса ўзгармайди” деб ўйлайди. Аммо айнан шу фикр энг катта хато ҳисобланади. Чунки рўйхатга олишда ҳар бир инсон — битта рақам, битта тақдир демакдир. Бир маҳаллада 100 киши эмас, 120 киши яшаса, мактаб ёки шифохона режаси ҳам шунга қараб ўзгаради. Агар 20 киши ҳисобга олинмаса, у ҳудуд эҳтиёждан кам ресурс олиши мумкин.

Ёки айрим ҳудудларда ёшлар сони кўп бўлса, у ерда касб-хунар марказлари, олий таълим муассасалари, спорт иншоотларига эҳтиёж ортади. Бошқа жойларда эса кексалар улуши юқори бўлиши мумкин — бу соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя хизматларини кучайтиришни талаб қилади. Демак, рўйхатга олиш — бу келажакни кўриш ва унга тайёргарлик кўриш воситасидир. Шу сабабли ҳар бир фуқаронинг тўлиқ ва рост маълумот бериши жуда муҳим.

Статистика қўмитасининг маълум қилишича, мазкур жараён “маҳалла еттилиги” тизимида фаолият юритаётган ходимларни жалб этган ҳолда ташкил этилмоқда. Аҳоли ва

қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда, 2026 йилнинг 15–31 январь кунлари фуқаролар махсус интернет портали орқали онлайн рўйхатдан ўтадилар. Ушбу усулнинг қулайлиги ва тезкорлигини инobatга олган ҳолда барча фуқароларга айнан шу тарзда рўйхатдан ўтиш тавсия этилади. Рўйхатга олиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш мақсадида махсус ахборот тизими — census.stat.uz ишлаб чиқилган бўлиб, у веб-платформа ва мобил версияларни ўз ичига олади. Иккинчи босқичда эса 4-28 февраль кунлари “маҳалла еттилиги” тизими ходимлари томонидан уйма-уй юриб, саволномалар планшет қурилмалари орқали тўлдирилади.

Рўйхатга олиш тадбирини самарали ташкил этиш мақсадида республика, вилоят ва туман-шаҳарлар даражасида жами 223 та штаб фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу жараёнга жалб этилган “маҳалла еттилиги” тизимидаги 55 мингдан ортиқ ходимлар босқичма-босқич ўқитилиб, уларнинг малакаси оширилган.

Тайёргарлик ишлари доирасида 2025 йил декабрь ойида республика бўйича 7 миллиондан ортиқ турар жой объектларининг ГПС координатлари аниқланган. Шунингдек, Миллий статистика қўмитаси томонидан рўйхатга олиш жараёнларини реал вақт режимида кузатиб бориш имконини берувчи махсус мониторинг дашбордлари ишлаб чиқилган.

Ахборот тизимининг барқарор ишлаши учун зарур сервер қувватлари ажратилган, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўрилган.

Саволларга тўхталадиган бўлсак, 71 та савол ёрдамида жамиятнинг ҳақиқий ижтимоий қиёфаси намоён бўлади. Бундан 54 та савол аҳоли ҳақида. Яъни, уларнинг ёши, таълими, иш ва яшаш шароити ва ҳоказоларга тааллуқли. 17 та савол эса қишлоқ хўжалиги ҳақида. Масалан, ер майдони, чорва, экин турлари ва ҳоказолар.

**Усмон АБДУРАСУЛОВ,
Миллий статистика қўмитаси
Ахборот коммуникациялар
ва медиа маркази раҳбари:**

– Рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари 2026 йил 1 июль санасига қадар, яқуний маълумотлар эса 2027 йил 1 июль санасига қадар эълон қилинади.

Рўйхатга олиш нафақат демографик таркиб ва яшаш шароитлари ҳақида маълумот беради, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш, демографик ривожланиш хаттоки, шаҳарсозлик лойиҳаларини белгилашда муҳим манба бўлади.

Мазкур ёндашувни жорий этиш орқали харажатлар олдинги рўйхатга олиш усуллариغا нисбатан сезиларли даражада камайиб, тахминан 1,3 триллион сўм маблағ тежалиши кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, рўйхатга олиш жараёнлари содда, очик ва шаффоф тарзда ташкил этилади. Саволлар сони оптималлаштирилиб, аввал режалаштирилган 328 тадан 71 тагача қисқартирилди, бу эса жараён самарадорлигини оширади.

Рўйхатга олиш якунларига кўра, Европа статистикалар конференциясининг 2020 йилда қабул қилинган тавсиялари асосида мамлакатда яшовчи

тахминан 38 миллион аҳолининг демографик таркиби, миграция жараёнлари, оилавий ҳолати, меҳнат фаолияти ва даромад манбалари бўйича ягона, замонавий маълумотлар базаси шакллантирилади.

Шунингдек, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ҳолати, чорва моллари ва паррандалар сони аниқ ҳисобга олинади. Бу орқали қишлоқ хўжалиги соҳасига йўналтирилаётган йиллик 25,6 триллион сўм, жумладан, 2,2 триллион сўм бюджет маблағларининг самарадорлигини баҳолаш, соҳадаги хизматлар ҳажмини аниқлаш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ишончли маълумотлар шакллантирилади.

Умуман олганда, мазкур тадбирлар аҳоли ва қишлоқ хўжалигининг реал кўрсаткичларини аниқ белгилаш, давлат дастурларини манзилли ва самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

“**РЎЙХАТГА ОЛИШ
ТАДБИРИНИ
САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
МАҚСАДИДА
РЕСПУБЛИКА,
ВИЛОЯТ ВА
ТУМАН-ШАҲАРЛАР
ДАРАЖАСИДА
ЖАМИ 223 ТА
ШТАБ ФАОЛИЯТИ
ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.
УШБУ ЖАРАЁНГА
ЖАЛБ ЭТИЛГАН
“МАҲАЛЛА
ЕТТИЛИГИ”
ТИЗИМИДАГИ
55 МИНГДАН
ОРТИҚ ХОДИМЛАР
БОСҚИЧМА-
БОСҚИЧ
ЎҚИТИЛИБ,
УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИ
ОШИРИЛГАН.**

Аҳолини рўйхатга олишда берилган маълумотлар махфий сақланади ва фақат умумий таҳлил учун ишлатилади. Бу жараёнда иштирок этиш — давлатга ёрдам бериш эмас, балки ўз ҳақ-хуқуқингизни таъминлашдир.

АҲОЛИНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛЛАР

Миллий статистика қўмитаси аҳоли томонидан энг кўп берилаётган саволларга жавобларни эълон қилди:

— Биз берган маълумотлар солиққа тортилмайдими? Қишлоқ хўжалиги бўйича ер майдони ва чорва

моллари сонини кўрсатдик. Кейин уйимизга солиқчи келмайдими?

— Йўқ, асло бундай ҳолат юзага келмайди. Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш жараёнида берилган барча маълумотлар қонунга асосан махфий сақланади ҳамда солиққа тортиш ёки текширув ўтказиш учун ишлатилмайди. Саволномада кўрсатилган жавоблар бошқа идораларга тақдим этилмайди.

Рўйхатга олишда тўпланган маълумотлар фақат умумий статистик таҳлил учун хизмат қилади. Яъни, қанча ер бор, қанча чорва мавжуд — булар алоҳида шахс ёки хонадон кесимида эмас, умумлашган ҳолда эълон қилинади.

Шу боис, саволномани хавотирсиз ва тўлиқ тўлдиришингиз мумкин.

— Саволномада биринчи шахс деганда ким назарда тутилади?.

— Биринчи шахс бу — маълумотларни тўлдирувчи шахс ҳисобланади. Саволномада маълумотлари тўлдирилаётган кейинги оила аъзолари биринчи шахсга нисбатан қариндошлик даражаси белгиланиб, киритилади.

— Сўровномани хатолик билан тўлдириган бўлсам, қайтадан киритишим мумкинми?

— Ҳа. Агар маълумотлар хатолик билан киритилган бўлса, 31 январга қадар қайтадан онлайн рўйхатдан ўтиш имконияти мавжуд. Натижаларни қайта ишлаш жараёнида тизим сизнинг тўлиқ тўлдирган шаклингизни танлаб олади.

— Мен ҳозирда бошқа туманда истиқомат қилман, доимий яшаш жойим эса бошқа ҳудудда. Саволномада қайси жойни киритишим керак?

— Рўйхатдан ўтиш жараёнида фуқаро айнан ҳозирги вақтда, яъни, рўйхатга олиш даврида яшаб турган жойини кўрсатиши лозим.

— Сўровномадаги “респондент” сўзи нимани англатади?

— Респондент — рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, доимий яшаш жойи Ўзбекистонда бўлиб, рўйхатга олиш санасида мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидир.

— Логин ва парол сўралапти. Уни қаердан олишим мумкин?

— Логин ва парол OneID тизимига кириш жараёнида талаб этилади. Агар аккаунтингиз мавжуд бўлса, аввал ўрнатилган логин ва паролни киритинг. Агар унутган бўлсангиз, ЖШШИР орқали тиклашингиз мумкин. Илгари тизимдан фойдаланмаган бўлсангиз, паспорт маълумотлари асосида янги аккаунт очишингиз лозим. Бу бўйича бизнинг расмий @census_2026 телеграм каналимизда видеоқўлланма эълон қилинган.

Қолаверса, Mobile ID ёки электрон рақамли имзо орқали ҳам рўйхатдан ўтишингиз мумкин.

— Чет элдаги оила аъзоларимизни ҳам рўйхатга киритамизми?

— Ҳа, ҳозирда маълум сабабларга кўра хорижда вақтинча бўлиб турган оила аъзоларингизни ҳам рўйхатдан ўтказишингиз мумкин. Шунингдек, улар ўзлари бошқа давлатда бўлиб турган ҳолатда ҳам census.stat.uz сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтиши мумкин.

— Қанча ҳаракат қилсам ҳам census сайтида хатолик юз берди деб чиқапти. Нима қилсам бўлади?

— Бу ҳолат, асосан, сайт Telegram’нинг ички браузер орқали очилганда кузатилмоқда. Муаммони бартараф этиш учун census.stat.uz сайтини телефонда алоҳида интернет браузер орқали (Chrome, Mozilla, Opera ёки Google)дан очиб кўринг (https://t.me/census_2026/790).

Бу тадбир ҳар куни бўлмайди, балки ўн йилда бир марта ўтказилади. Шу қисқа вақтда берилган тўғри маълумотлар эса ўн йиллик ривожланиш режаларига асос бўлади.

Давлат ва фуқаролар биргаликда бу жараёнда фаол иштирок этса, янада яхшироқ келажак куриш имкониятлари кенгайди, деб ўйлаймиз.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**

КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИГА ҚАРШИ КУРАШИШ

ҳар биримизнинг бурчимиз

Коррупция жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган глобал муаммо ҳисобланади. Долзарб масала мамлакатларнинг иқтисодий-сиёсий ривожланишига пугур етказиш билан бир қаторда, инқироз ва таназзулга сабабчи бўлаётгани ачинарли. Инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқи ҳамда қадр-қиммати камситилишига олиб келаётгани таассуфли.

Ўзбекистон ХДП Термиз туман Кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи ташаббуси билан камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган “Коррупция – тараққиёт кушандаси” мавзuidaги давра суҳбатida ҳам шулар ҳақида сўз юритилди. Иллатни илдизи билан йўқ қилиш ҳар биримиз учун давр талаби ва устувор вазифа бўлиши лозимлиги таъкидланди. Бепарволик ва лоқайдликка берилмасликка эътибор қаратилди. Фикр-мулоҳазалар билдирилиб, тақлифлар ўртага ташланди.

– Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо

этиш йўлида дадил қадамлар ташланмокда, – дейди Ўзбекистон ХДП Термиз туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари Термиз туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Гулшод Шафоатова. – Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, инсон шаъни ва қадр-қимматини улуғлаш борасида изчил сиёсат олиб борилаётгани ҳаётий ҳақиқат. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади. Дастуруламал ҳужжат 6 боб ва 34 моддадан иборат бўлиб, коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари белгилаб берилган.



Дарҳақиқат, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда давлат органлари ходимларининг саводхонлигини ошириш борасидаги ишлар тобора такомиллаштирилиб борилмокда.

Маълумки, Янги Ўзбекистон шароитида Бош қомусимиз ва қатор кодексларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Турмуш тарзимиз яхшиланиб, ҳаётимиз кундан-кунга ўзгармокда. Демак, жамиятни емирувчи хавф-хатарни бартараф қилиш нафақат

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, балки, ҳар биримизнинг фаолият мезонимизга айланиши шарт.

Ўтган йилнинг 26 декабрида Президентимизнинг парламент ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида коррупцияга қарши кураш бундан кейин ҳам устувор вазифа бўлиб қолиши алоҳида таъкидланди. Бунинг учун аввало, ҳар бир раҳбарнинг ўзи ўрнатқ бўлиши кераклигига эътибор қаратилди.

Ўтган йилда партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳи ташаббуси билан жойларда 30 дан ортиқ учрашувлар ташкил қилинган бўлса, амалдаги йилда ҳам анъанани давом эттириш кўзда тутилган. Бундан кўзланган асосий мақсад оғриқли муаммони бартараф қилиш ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада оширишдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН:

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

кучайтирилиши белгиланди



Ўзбекистон Президентининг парламентга ва халқимизга Мурожаатномасида Халқ демократик партияси устувор дастурий мақсадларидан бири бўлган ижтимоий давлат моделининг келгуси йил учун ҳаракатлар дастури аниқ белгиланган.

Шу сабабдан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тарғибот-тушунтириш ишлари изчил йўлга қўйилиб, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган энг муҳим вазифалар муҳокама қилинмокда.

Жумладан, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан унда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатларнинг фаоллигини

таъминлашга бағишланган семинар ўтказилди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида партиянинг 11 нафар депутати фаолият юритмокда. Улар ўтган 2025 йил давомида аҳолидан келиб тушган муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича жами 86 та депутатлик сўрови юборган бўлса деярли барчасига ижобий ечим топилган. Туман ва шаҳар Кенгашларидаги 82 нафар депутатнинг ўтган йил мобайнида юборган 663 та сўровларидан 608 таси самарали ҳал этилган.

Бундан ташқари, партиянинг Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушган 1473 та мурожаатларнинг қарийб 90 фоизи ўз ечимини топган. Таҳлиллар ҳудуддаги депутатлик гуруҳларининг фаолияти тизимли йўлга қўйилганини, аҳоли томонидан

келиб тушган мурожаатлар ўз ечимини топаётганини кўрсатмокда. Аммо депутатлик гуруҳлари ижтимоий соҳага масъул идора-ташкилотлар мутасаддиларининг ҳисоботларини эшитиш, шу орқали таъсирчан чоралар белгилаш йўналишида ташаббускорликни ошириши зарурлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, Мурожаатномада белгиланган депутат сўровларининг ижроси ҳар чорақда таҳлил қилиниб борилиши хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Семинарда халқ вакилларининг амалий фаолиятини янада изчил ва самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Мурожаатномада белгиланган камбағалликни қисқартириш, бандлик, таълим ва тиббий хизмат сифатини ошириш каби вазифалар ижросида партия ташкилотлари, асосийси, депутатлик бирлашмалари фаолиятининг натижадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш бўйича вазифалар ҳақида фикр алмашилди.

Ҳар бир депутат фуқаролардан келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида ва ижобий ҳал этиши, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга, одамларнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган изчил ислохотларнинг янада самарадор бўлиши учун доимий равишда депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириб бориши лозимлиги таъкидланди.



НАВОИЙ: АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДА

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят ва шаҳар кенгашлари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги “Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Баҳор” маҳалла фуқаролар йиғини мажлислар залида жамоатчилик эшитувви бўлиб ўтди.

Мазкур жамоатчилик эшитуввида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мутасадди масъуллар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбир давомида аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, онкологик касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхис қўйиш ҳамда назорат тизимини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

ЖИЗЗАХ: "МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ" БИЛАН УЧРАШУВ

Жиззах вилояти Кенгаши депутати О.Маматқулов туман Кенгаши депутатлари билан биргаликда Зомин тумани Пахтакор маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган "маҳалла еттилиги" билан учрашув ўтказди.

Учрашув давомида маҳаллалардаги мавжуд муаммолар, ижтимоий масалалар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Шунингдек, "маҳалла еттилиги" томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар тингланиб, кўтарилган масалалар юзасидан тегишли тушунтиришлар берилди ҳамда масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Бундай учрашувлар маҳалла тизимидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда жойларда муаммоларни тезкор ва самарали ҳал этишга хизмат қилади.



НАМАНГАН: ПАРТИЯ ГУРУҲИ ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Наманган туманида халқ депутатлари туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлашни манзилли ҳамда тизимли ташкил этиш асосий вазифа этиб белгиланди.

Мажлисда депутатлик гуруҳи раҳбари Умиджон Солиев 2025 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Қайд этилишича, ўтган йилда партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш

мақсадида депутатлик гуруҳи томонидан қатор самарали ишлар амалга оширилган.

Хусусан, 2025 йилга мўлжалланган Амалий ҳаракат дастури доирасидаги ва партия электорати манфаатларига дахлдор қатор масала депутатлик гуруҳи ташаббуси билан кўриб чиқилган.

Мазкур масалалар туман Кенгашининг тегишли доимий комиссияларида муҳокама этилиб, белгиланган тартибда сессия кун тартибига киритилган. Шунингдек, йил давомида 8 маротаба мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилиб, электорат манфаатлари ҳимоя қилинган.



Депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан ҳудудларда сайловчилар билан 20 дан ортиқ учрашувлар ўтказилиб, фаолият юзасидан ҳисоботлар берилган. Қонунчиликдаги ўзгаришлар ва қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида 38 маротаба тарғибот тадбирлари ташкил этилган. Ўрганиш ва таҳлиллар асосида мамлакатимиз қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Мажлисда депутатлик гуруҳининг 2026 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди. Унда депутатлик қабуллари тизимли ташкил этиш, аҳолини қийнаётган муаммоларни манзилли ҳал этиш, депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, партия сафларини кенгайтириш ҳамда ҳудудий дастурлар ижросини назоратга олиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Шунингдек, янги иш ўринларини яратиш, эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ажратилаётган маблағларнинг манзиллилиги устидан назоратни кучайтиришда депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ХУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга киритишни мақсад қилган. Бу борада минглаб асослар келтиришимиз мумкин: агро-кластер тизимининг жорий этилиши ва қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, ҳудудий sanoatни ривожлантиришда илмий кадрлар ва инновацион инфратузилмага қаратилган кучли эътибор, технопарклар, эркин иқтисодий зоналар, инновацион марказлар бунёд этилгани, таълимни ишлаб чиқариш билан боғлаш ва ҳоказо.

Ёдинғизда бўлса, икки ойча муқаддам, аниқроғи, 16 ноябрь куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган VII Маслаҳат учрашувида ҳам илм-фан, таълим ҳамда инновацияларни ривожлантиришга қаратилган бир нечта муҳим ташаббус ва келишувлар илгари сурилди. Марказий Осиёдаги ҳамкорлик ҳозирги кунда инвестиция, инновация ва sanoatлаштиришга асосланган амалий bosқичга ўтаётганини ҳисобга олсак, илм-фан соҳаси бу жараённинг муҳим қисми бўлди.

Минтақавий илмий-тадқиқот фондини таъсис этиш таклифи алоҳида эътиборга молик. Бу фонд иқлим ўзгариши, сув тақчиллиги, қишлоқ хўжалигида самарадорлик каби минтақавий долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган қўшма илмий лойиҳаларни грант асосида молиялаштиради. Фонд, айниқса, сунъий интеллект сингари

инновацион йўналишларда минтақавий кадрлар тайёрлаш ва тадқиқотларни қўллаб-қувватлашни назарда тутати. Иқлим ўзгаришлари бобида эса Президентимиз 2026–2036 йилларни Сувдан оқилona фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар декадаси деб эълон қилиш таклифини киритди. Бу декада доирасида ирригация, гидромелиорация ва сувни тежайдиган технологиялар (шу жумладан, Агро-IT ечимлари) бўйича қўшма илмий-тадқиқотлар ва жорий этиш лойиҳалари амалга оширилиши кўтилмоқда. Эътиборлиси, учрашувда барча муҳокама қилинган йирик иқтисодий йўналишлар — хох у рақамлаштириши, sanoatлаштириш ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, барча-барчаси илм-фан ва инновацияларсиз ривожланиш мумкин эмаслигини таъкидлади.

Олий таълим ташкилотлари қандай иштирок этмоқда?
Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг олий таълим тизимида олиб боорилаётган ислохотлар самараси ўларoқ илм-фан тўғридан-тўғри ҳудудларнинг “юрагига” — маҳаллаларга, тажриба майдонларига ва ишлаб чиқариш корхоналарига кириб бормoқда. Биргина мисол, олий таълим ташкилотлари иштирокидаги ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Кенгашлари бугунги кунда олимлар ва амалиётчиларни бирлаштирувчи кучга айланди.

Ушбу жараённинг реал натижаларига рақамлар ва ҳаётий мисоллар орқали назар ташлайдиган бўлсак, ҳудудларда ташкил этилган мазкур Кенгашлар таркибига 370 нафар аъзо — олийoқ олимлари, мутахассислар, тадбиркорлар ва ҳокимлик вакиллари жалб қилинган. Улар муаммоларни кабинетларда эмас, балки ўша муаммо туғилган жойда ўрганиш йўлини танладилар. Қисқа вақт ичида 52 та туман ва шаҳар бўйича 92 та илмий асосланган

таклиф ишлаб чиқилди. Энг қувонарлиси, ушбу таклифларнинг 63 таси (яъни, 68,5 фоизи) аллақачон ҳудудий ривожланиш дастурларига киритилиб, ижрога йўналтирилди.

Олийoқлардаги илмий-тадқиқотлар мавзулари ҳам энди мавҳумликдан холи бўлиб, аниқ ҳудудий муаммолар ечимига қаратиларти. Жумладан, 1 минг 337 та курс иши, 733 та битирув-малака иши, 5 422 та фалсафа доктори (PhD) ва 937 та фан доктори (DSc) диссертациялари айнан ҳудудлар иқтисодиётини юксалтириш мавзуларига бағишланди. Натижалар эса 2 мингдан ортиқ илмий-оммабоп мақолада ёритилиб, 192 та конференцияда муҳокама қилинди.

Илм-фан ва иқтисодиёт интеграцияси бугун аниқ молиявий самара бермоқда. Буни Самарқанд вилояти мисолида яққол кўриш мумкин. Айтайлик, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ёш олими Арслонбек Исмоилов томонидан яратилган “Баллонли газ босимини сўндириш қурилмаси” бугун республика газ қуйиш шохобчаларида ҳақиқий иқтисодий инқилоб қилмоқда. Ушбу ишланма табиий газ йўқотишларини камайтириш эвазига, биргина шохобчада йилига 64 800 куб метр газни тежаб қолиш ва атроф-муҳитга чиқарилган ташланмалар компенсацияси билан қўшиб ҳисоблаганда, 336 миллион сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берди.

Қашқадарё вилоятида эса ишлаб чиқариш ва таълим уйғунлиги салмоқли натижа берарти, десак, муболага бўлмайди. Чунки Қарши давлат техника университети йирик корхоналарда кафедра фиалиалларини очди. Хусусан, “Шўртан газ кимё мажмуаси” қошида Илгoр муҳандислик мактаби ташкил этилиб, энергетика ва автоматлаштириш йўналишларида дуал таълим йўлга қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги энди тасаввурлардаги oғир меҳнат эмас, инсонлар ҳаётини яхшиловчи, аниқ илмий тавсияларга таянмоқда. Наманган давлат техника университети ҳузуридаги “Сервис гуруҳи” Чортоқ туманидаги “Юксалиш”, “Навоий”, “Обод диёр” ва “Соҳибкор” маҳаллаларида ҳақиқий дала мактабини яратди. Олимлар ер эгаларига сабзавот ва мева етиштириш агротехнологияларини ўргатиб келмоқда. Натижа кўтилганидек бўлди: экинларнинг касалликка чалиниши камайди, ҳосилдорлик эса 5-6 фоизгача ортди.

Демак, бугун кўз ўнгимизда рўй бераётган қизгин жараёнларнинг жонли гувоҳи сифатида яхши англаб етдикки, давлат ва ҳудудларнинг ривожланиш формуласи, яъни, илм-фан ҳамиша тараққиётнинг энг ишончли манбаи экани минг йилликлар давомида ўзгармаслиги ўз тасдиғини топмоқда. Мамлакат иқтисодиётидан тортиб, олий таълим тизимини чуқур ислоҳ этишгача бўлган барча чоралар айнан мана шу тарихий тамойилга асосланган. Ҳудудларда инновацион муҳитни шакллантиришга қаратилган бу стратегия йўл янги иш ўринлари яратилишига, маҳалла экани минг йилликлар давомида ўзгармаслиги ва аҳоли турмуш сифатининг яхшиланишига олиб келмоқда. Қувонарлиси, бугун ҳар бир шаҳар ва туман ҳокимлиги, ҳар бир кластер ва корхона ўзининг иқтисодий режаларини тузишда олимлар ва тадқиқотчилар билан ҳамкорликни асосий устувор вазиға деб билимоқда. Зеро, илм-фан ёрдамисиз глобал рақобат муҳитида ожиз қолиш эҳтимоли каттадир.

Фазлиддин МЎМИНОВ,
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
Йиғма-ахборот таҳлил бўлими бошлиғи.

ДУНЁ ВА БИЗ

КУНЧИҚАР ЮРТ НИГОҲИДА

Юртинг ҳақида хориж матбуотида мақола чоп этилса, ўзгача фахр туясан. Бўлиб ҳамки, энг ривожланган давлатлар қаторига кирадиган Япония жамоатчилиги илиқ фикрларни билдирса...

The Japan News – Япониядаги энг нуфузли инглиз тилидаги нашрлардан бири. Асосий аудиторияси дипломатлар, сиёсатчилар, инвесторлар ва академик доиралар бўлган ушбу етакчи нашрда «Ўзбекистон чорраҳада: қандай қилиб Тошкент Марказий Осиёда янги даврни шакллантирмоқда ва бу Япония учун нимани аниглайди?» сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда Ўзбекистоннинг бугунги роли ва келажаги Япония нигоҳида чуқур таҳлил қилинган. Ўзбекистон Марказий Осиёда минтақани бирлаштираётган локомотив давлат сифатида намоён бўлаётгани, минтақа етакчиларининг мунтазам учрашувлари, чегаравий келишувлар, инфратузилма ва савдо интеграцияси мақолада яхши очиб берилган.

Бу Ўзбекистон ҳақидаги илк мақола эмас. Япония ташқи ишлар вазири Такэси Ивая 2025 йили мамлакатимизга ташрифи чоғида «Дунё» ахборот агентлигида чоп этилган мақоласида шундай таъкидлайди: «Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги айирбошлаш тарихи минг йилдан кўп даврга бориб тақалади. Ипак йўли орқали мамлакатимизга турли маданият ва технологиялар кириб келди ва Япония тарихи, жамиятига катта таъсир кўрсатди. Ўзбекистон ва Японияни бир неча минг километр куруқлик ва денгиз ажратиб турганига қарамай, ўтган йиллар давомида халқларимиз маданий ва этник яқинлик туйғусини сақлаб, мустаҳкамлаб келмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1992 йилда Япония ва

Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Япония ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида Ўзбекистон тараққиётини изчил қўллаб-қувватлаб келади ва доимо унинг ишончли ҳамкори ҳамда дўсти бўлиб келаётир».

Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик фақат имзоланган битимлар ёки расмий ташрифлар билан чекланиб қолмайди. Бу муносабатларнинг энг мустаҳкам пойдевори – кадрлар, яъни, икки мамлакатни, икки тизимни, икки тафаккурни боғлай оладиган билимли ва малакали инсонлардир. Шу маънода Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда.

Ана шу мақсадда «Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш» дастури доирасида расмий Токио йиғирмага яқин давлат хизматчисининг Япония университетларида таҳсили учун грант ажратишни режалаштирган.

Қайд этиш жоизки, ҳозирга қадар 430 дан зиёд ўзбекистонлик давлат хизматчиси кунчиқар ўлкада билим ва малака оширди. Жумладан, Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам дастури доирасида 2024 йилда Ўзбекистоннинг 18 нафар ёш давлат хизматчиси магистратура (2 йил) ва 1 нафар ёш давлат хизматчиси докторантура (3 йил) bosқичида таълим олган эди.

Ўзбекистондаги 18 та таълим муассасасида 4 минг нафарга яқин ёшлар япон тилини ўрганаётгани эса ҳамкорликни янада мустаҳкамланишига ишора.

Икки мамлакат ўртасидаги маданий алмашувни чуқурлаштириш мақсадида Токио чет тиллар университети ходими, юртимизда бир неча йил давомида фаолият юритган Хидака Синсукэ



Японияда ўзбек тили бўйича дарслик нашр этгани нафақат ўзбекистонликлар япон тилини, балки японлар ўзбек тилини ўрганишга бел боғлаганидан дарақ. Мутахассиснинг фикрича, ўқувчилар дарсликни пухта ўрганганидан сўнг Ўзбекистонга таржимонсиз саёҳат қилиши мумкин.

Дарвоқе, шу ўринда Ўзбекистон ва Япония ўртасида туристик ташрифлар ошаётганини таъкидлаб ўтмасак бўлмас.

2025 йилнинг январь-ноябрь ойларида жами 2,7 минг нафар Ўзбекистон фуқаролари туристик мақсадларда Японияга сафар қилган. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,2 фоизга ошган.

Шунингдек, мазкур даврда Ўзбекистонга қарийб 30 минг нафар японияликлар туристик мақсадларда ташриф бўлган. Япониялик туристлар сони аввалги йилнинг мос даврига нисбатан 41,1 фоизга кўпайган.

Япония техника ишлаб чиқариш бўйича етакчи мамлакатлардан бири экани ҳеч кимга сир эмас. 2025 йилнинг апрель ойида Япониянинг «BHN Association» компанияси «Ёшлар ташаббуси платформаси: академик мукамалликни ошириш» номли лойиҳа доирасида Ўзбекистонга 200 дoна замонавий ноутбукларни тақдим этди.

– 2023 йилда мен бу лойиҳанинг менежери сифатида иш бошлаганимда ростини айтсам, аввалроқ Ўзбекистон ҳақида етарлича маълумотга эга эмас эдим. Бироқ, ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида ўзбекистонликлар билан яқиндан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлдим ва шу орқали менда Ўзбекистонга нисбатан катта қизиқиш пайдо бўлди, – дейди «BHN Association» ижрочи директори Катаками Канжи. – Японияга стажировка учун келадиган ўзбекистонлик

мутахассислар жуда иқтидорли, билимдон ва шу билан бирга катта интилиш ва иштиёққа эга. Уларнинг билим олишга бўлган иштиёқлари бизда катта таассурот қолдиради.

Ўтган йил охирида Ўзбекистон ва, умуман, Марказий Осиё давлатларининг Япония билан ҳамкорлиги янги bosқичга кўтарилди. 19–20 декабрь кунлари Токио шаҳрида «C5+1» форматида ўтказилган саммит минтақа давлатлари ва Япония ўртасидаги сиёсий мулоқотнинг мустаҳкамланиб бораётганини, томонларнинг қонун устуворлигига асосланган эркин ва очиқ халқаро тартибни қўллаб-қувватлаш борасидаги умумий қарашлари яна бир бор тасдиқланганини кўрсатди. Йил якунида ўтган ушбу саммит ҳамкорликни изчил ва тизимли равишда ривожлантиришга бўлган қатъий иродани намоён этди.

Саммит доирасида ахборот технологияларини ривожлантириш, жумладан, сунъий интеллект ва рақамлаштириш дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

«Яшил» энергетика соҳасидаги ҳамкорлик доирасида когенерация технологияларини жорий этиш, йўқотишларни қисқартириш, зарарли газларни ушлаб қолиш бўйича биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди. Тошкентда Қайта тикланадиган энергетика соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича минтақавий марказни ташкил этиш таклифи илгари сурилгани эса юртимиздаги экология ва энергетика билан боғлиқ муаммоларга ечим бўлиши шубҳасиз.

Япониянинг сейсмик хавфсизлик соҳасидаги улкан тажрибасини ҳисобга олиб, минтақада сейсмик барқарорликни баҳолаш ва ошириш бўйича қўшма дастурни ишга тушириш, Тошкент шаҳрида Япония стандартлари ва протоколлари бўйича муҳандислар, архитекторлар, кутқарув хизматларини тайёрлаш учун Минтақавий малака ошириш марказини очиш таклифи ҳам диққатга молик.

Она юртимиз Ўзбекистоннинг дунёнинг энг ривожланган давлатлари билан шундай ишончли ва самарали ҳамкорлик ўрнатиши ва улар томонидан эътироф этилиши албатта, ҳар биримизнинг қалбимизни фахр ва ифтихор туйғуларига буркайди.

Барно СУЛТОНОВА,
журналист.

ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ САРИ

Ирода, ишонч ва имкониятлар чексизлиги

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Мингбулоқлик Жасурбек Мамажонов эса саломатлиги туфайли, йилларки, ногиронлик аравачасига михланиб яшаган. Унинг учун вақт бир нуқтада тўхтаб қолгандек туюлар, биргина қадам ташлаш энг катта орзуси эди. Ўтган йили юртимиз бўйлаб ногиронлиги бўлган инсонлар учун кундузги парвариш хизматининг йўлга қўйилиши Жасурбекнинг ҳам ҳаётида бутунлай янги саҳифани очди. Маҳалладаги ижтимоий ёрдам ходими кўмаги ва ташаббуси билан у Мингбулоқда очилган “Соғлом ҳаёт сири” кундузги парвариш марказига қатнай бошлади. Бу ердаги психологик ва жисмоний машғулотлар ўз натижасини кўрсатишига атиги бир неча ой киёф қилди. Бугун Жасурбек қўлтиқтаёқда ҳаракатланиб, кўча-кўйга чиқади, маҳалласини кезади, уй-рўзгор юмушларига қарашади. Тинмайди. Шу кунларда у Paynet шохобчасини очиб, мустақил ишнинг бошини туттишни, ўзи даромад топиб, тирикчиликни гарданига олишни ният қилиб турибди. Бунинг учун “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази яқиндан ёрдамлашмоқчи.

Эътибор қилганмисиз? Сўнгги йилларда бухоролик Баҳодир, мингбулоқлик Жасурбек сингари ногиронлиқни имконсизлик деб қабул қилмай, аксинча, мақсад ва ҳаракати билан тўрт мучаси бутун инсонлар қаватида тенгма-тенг туриб, ўз бахту фаровонлиги учун курашаётган ҳамюртларимиз сафи кенгайиб бораётгандек, тўғрими?!

Ижтимоий ҳимояга муҳтож айни қатлам вакилларида кузатилаётган иштиёқнинг бош сабабларидан бири – бу жамиятимизни инклюзивлаштириш, тўсиқсиз муҳитни яратиш, ҳар бир инсон кадр-қимматини устун деб билиш тамойиллари барча жабҳада ўз тасдиғини топаётгани билан боғлиқ, бизнинг-ча.

Расмий статистикага кўра, 2026 йил 1 январь ҳолатига республикамызда 1 млн 60 минг 111 нафар ногиронлиги бор шахс (170 минг 413 нафарини болалар ташкил қилади) рўйхатга олинган. Уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш механизмлари қатор қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, 2021 йили Ўзбекистон БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди. Янгиланган Конституциямызда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари алоҳида белгиланди. 2024 йилда «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, амалиётга йўналтирилди. Давлат раҳбари томонидан ногиронлиги бўлган шахслар манфаатларини кафолатлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан охириги икки-уч йилда бир неча қарорларнинг ижрога киритилгани соҳада янги ўзгаришларга туртки берди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тақдим этган маълумотларда келтирилишича, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Whodas шкаласи (муайян йўналишларда инсоннинг ҳаётий функцияларини баҳолаш)га мувофиқ ногиронлиқни ягона стандарт асосида белгилаш тизимиға ўйилгани фуқаролар учун қулайликлар яратмоқда.

Президентнинг “Ногиронлиқни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида 2025 йил 1 апрелдан фуқароларни ТИЭК (тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси) кўригига йўллаш учун лозим бўлган амалдаги даволашни муддатлари бўйича талаб бекор қилинди. 18 ёшдан катта шахсларга ногиронлиқни белгилашда ногиронлиқнинг муддати, сабаби, тиббий реабилитация тадбирлари, шунингдек, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтожлигига оид маълумотларни “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида шакллантириш йўлга қўйилди. Ўтган йилнинг 1 сентябридан ногиронлик муайян шахснинг соғлиғидаги ҳолати ва функционалликни баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, электрон тарзда белгиланиб келинмоқда.

Янги тизимға мувофиқ 2025 йилда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари, ижтимоий ходимлар, my.gov.uz портали ёки оилавий шифокорлар орқали муурожаат қилган 38 мингдан ортиқ фуқароларға ногиронлик шаффоф ва адолатли тарзда белгиланди, деб иккиланмай айтиш мумкин.

МАНЗИЛЛИ ЁНДАШУВ, АНИҚ МАҚСАДЛИ ҚАДАМ

Оғир ҳаётий вазиятға тушиб қолган, ногиронлиқнинг у ёки бу тури мавжуд фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳам қисқа вақт ичида умумэътирофға лойиқ натижаларға эришилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Ижтимоий ислохотларни маҳалла даражасигача, яъни, манзилли ташкил этиш, ижтимоий ходимларни бириктириш орқали эҳтиёжманд инсонлар, жумладан, ногиронлиги бор ҳамюртларимизнинг турмуш шароитини ўнглаш, бунинг учун эса уларни ижтимоий-иқтисодий фаол ҳаётға жалб қилиш йўлида дадил қадамлар ташланмоқда.

Айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектлари учун субсидия ва имтиёзларнинг берилаётгани инклюзив меҳнат бозорини барпо қилиш суръатини жадаллаштираётир. Мана шундай янги имкониятлар шароитида ўтган йили 9,6 минг ногиронлиги бор киши ишға жойлаштирилди, 140 нафар шахсға “Paynet” хизмат кўрсатиш шохобчалари юритиш учун топширилди. Умуман олганда, республикамызда иқтисодий фаол ногиронлиги бўлган инсонлар икки йил ичида 72 мингдан 214 минг нафаргача, яъни, 3 баробарға ошди.

- Ногиронлиги бўлган опа-сингилларимиз учун иш ўрни яратишни кўп йиллардан бери кўнглимға тугиб келардим, - дейди нуроталик тадбиркор Мунира Худойқулова. - 2024 йилда кашта, сўзана каби қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Ўн нафар ижтимоий кўмакға муҳтож аёлни ишға қабул қилдим. Беш нафарининг эшитиш ва гапириш имконияти чеклангани учун сурдо таржимон ва психолог штатини ҳам очдим. Бугунги кунда қўли гул чеварларимиз тикаётган миллий маҳсулотларимиз Европа давлатларига экспорт қилинмоқда. Ҳар куни зўр иштиёқ билан келиб, завқ билан ишлаётган бу опа-сингилларимизни кўрсам, дилим ёришади. Уларнинг турмуш шароитини яхшилашға озгина бўлса ҳам, ўз ҳиссамни қўшаётганимдан қувонаман. Ўз навбатида бундай эзгулик учун биз, тадбиркорларға давлат моддий кўмак ва имтиёзлар берилаётгани янада хайрли ташаббусларға ундайди.

РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚАМРОВИ ҚАНДАЙ?

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ягона марказлашган тизим сифатида шакллантирилгач, ижтимоий ёрдамлар қамрови шитоб билан ўсди. Барча ҳудудларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари очилиб, юздан зиёд ижтимоий хизмат маҳалла бўғинига туширилди. Одамларнинг даромадлари ва яшаш тарзида кескин тафовутларнинг, тенгсизлиқнинг олдини олиш, ҳар бир инсон давлатнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаслигини кафолатлаш мақсадлари реал ҳаётий натижаларда намоён бўла бошлади. Ногиронлиги бор шахслар учун таълим, бандлик, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда тенг имкониятларни яратиш, уларни жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси деб тан олувчи ижтимоий нормани барча жабҳаға қуқур сингдириш жараёни янги босқичға чиқди.

Мамлакатда инклюзивлиқни қарор топтириш, ногиронлиги бор инсонларни қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз борганда, табиийки, уларни реабилитация қилиш масалаларини ҳам тилға олмаслиқнинг иложи йўқ. Жумладан, 2025 йилда республика бўйича 12 та ногиронлик реабилитация марказида эрготерапия, физиотерапия, даволаш-гимнастика хизматлари ташкил қилиниб, 1,6 минг нафар шахснинг жисмоний ва соғлиқ жиҳатдан тикланишиға кўмаклашилди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларни

жамиятға интеграция қилиш, сифатли протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминлаш тизими сезиларли яхшиланди. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари турлари 18 тадан 38 таға кўпайтирилди. “Ваучер тизими” жорий этилиши натижасида бу воситаларни етказиб бериш муддати 60 кундан 14 кунгача қисқарди.

Эласангиз, яқин давргача ногиронлиги бўлган шахсларни оддий аравача ёки ҳасса билан таъминлашда ҳам қанча муаммолар кузатилар эди. Муҳтож инсонлар ногиронлик аравачаси олиш учун ойлаб навбатда турган кунлар кўпчиликнинг ёдидан чиқмаган, албатта. Ҳозир эса ногиронлиги бор ҳар бир шахс ўзига зарур мосламани ҳарид қилиш учун танлов эркинлигига эға ва бу жараён электрон тарзда, тезкор, очиқ ва



қулай шаклда ташкиллаштирилган. Ташкилотма-ташкилот эшик қоқиб, сарсон бўлиш ўтмишда қолган.

КИЧИК ОЛАМНИНГ КАТТА МЎЪЖИЗАЛАРИ

Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, юксак фазилатлар, кенг дунёқараш, ўз олдиға улкан мақсадлар қўйиб, улар сари жидду жаҳд билан интилиш кўникмалари болалик даврида илдиз отади. Аммо бу ҳаётда ҳамма бола ҳам жисмоний, ақлий ва руҳий жиҳатдан тенг салоҳиятға эға эмаслиги ҳақиқат. Бундай болаларнинг муносиб шароитда парваришланиши, таълим-тарбия олиши оила ва давлатдан каррасига жавобгарлик, масъулият ҳамда ғамхўрлиқни талаб қилади.

Юртимизда биргина ўтган йилнинг ўзида ногиронлиги бўлган болалар учун тенг имкониятлар яратиш мақсадида қилинган ишларға разм солсак, чиндан ҳам залворли натижалар қўлга киритилганини кўрамиз. Мисол учун, психологик-тиббий ва педагогик комиссия фаолияти такомиллашуви самарасида умумтаълим мактабларида инклюзив муҳитни яратиш кўлами ошди. Мактабларда очилган инклюзив синфларға 6,4 минг ўғил-қиз қамраб олинди. Худди шундай, боғчалардаги инклюзив гуруҳларға илк бор 1,8 минг бола қабул қилинди.

Ота-оналар томонидан ногиронлиги бор болаларни Муруват интернет-уйларига топшириш ҳолатлари 40 фоизға камайди. Бу давлатнинг мана шундай ота-оналарға моддий, маслахатға оид ва бошқа шаклларда ёрдам бераётганининг ёрқин маҳсулидир. Бинобарин, ҳар бир бола ота-она бағрида, кадрдон оила муҳитида камолға етишға ҳақли. Юқорида бирров сўз юритганимиз

– кундузги парвариш хизмати ривожланаётгани ҳам ногиронлиги бўлган болаларнинг ижтимоий мослашувида ҳал қилувчи аҳамият касб этапти. Ҳозирги кунда ҳудудларда 300 дан зиёд тадбиркорлар давлат-хусусий шерикчилик асосида кундузги парвариш марказларини ташкил қилган ва уларда 4,1 минг бола тарбияланмоқда. Бу тоифа болаларнинг кўчада ҳаракатланишини енгиллаштириш мақсадида “Ижтимоий такси” лойиҳасига старт берилди.

Алоҳида таълим эҳтиёжига эға болаларнинг ижтимоий кўникмаларини ривожлантириш хизматлари ҳам кенгайиб бормоқда. Коррекцион, психологик ва меҳнат бозоридаги замонавий касбларни ўргатиш хизматлариға 1 ярим минг бола жалб қилингани бунинг исботи. Дейлик, Урганч шаҳридаги Инклюзив ривожлантириш марказида юздан зиёд ўғил-қиз инглиз тили, IT, рассомчилик, дефектология ва ёғоч ўймакорлиги бўйича билим ва кўникмаларға эға бўлмоқда. Тошкент шаҳридаги Халқаро инклюзив ҳабда эса йигирмадан зиёд таълим ва касб-хўнар йўналишида 313 нафар алоҳида эҳтиёжи бор болалар ўқитилди.

Айнан бу болалар учун илгор тажрибаларға таяниб методик ишланмаларни яратишға бел боғланди. Биринчи марта ижтимоий-маиший ҳаётға йўналтириш, ижтимоий саводхонлик, даволаш гимнастikasi, сенсор интеграция фанларидан дарслик ва қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Шу каби ижобий тенденцияни адаптив спорт соҳасида ҳам яққол кўрамиз. Адаптив спорт турлари реестри ишға туширилиб, унга 90 га яқин спорт тури киритилгани, 2025 йилда спорт билан мунтазам шуғулланувчи имконияти чекланган болалар сони кескин ошгани ва улар орасида халқаро ареналарда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, медаллар шодасини тақдим этган чемпионлар сафи ҳам кенглиги кишиға ғурур бағишлайди.

““

ПСИХОЛОГИК-ТИББИЙ
ВА ПЕДАГОГИК
КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИ
ТАКОМИЛЛАШУВИ
САМАРАСИДА
УМУМТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИДА
ИНКЛЮЗИВ МУҲИТНИ
ЯРАТИШ КЎЛАМИ ОШДИ.
МАКТАБЛАРДА ОЧИЛГАН
ИНКЛЮЗИВ СИНФЛАРГА
6,4 МИНГ ЎҒИЛ-ҚИЗ
ҚАМРАБ ОЛИНДИ.
ХУДДИ ШУНДАЙ,
БОҒЧАЛАРДАГИ
ИНКЛЮЗИВ ГУРУҲЛАРГА
ИЛК БОР 1,8 МИНГ БОЛА
ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Ҳар бир бола – бир мўъжиза. У ёки бу кўринишда имконияти чекланган бўлса-да, ундаги лаёқатни юзаға чиқариш, мурғак қалбига катта орзуларни уйғотиш, сермашаққат ҳаёт йўлида тиргак бўлишға ҳаракат қилган жамиятда барча мезон инсон қадрли билан ўлчанади. Эътибор ва ғамхўрлик соғлом тенгдошларига ҳавас билан боққан орзуманд болалар ҳаётиға янги маъно ва ранглар олиб қиради.

Давлат ва жамият тараққиётға эршиши учун унда яшовчи ҳар бир шахс фаол фуқаролик позициясини эгаллаши шарт. Ана шу меъёр ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳам ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллиги ошиб боришида аниқ кўзға ташланади.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ОБОД МАНЗИЛЛАР

ШАҲРИСАБЗДА ЯРАТИЛГАН ТАЖРИБА

соф табиат, сайилгоҳлар ва
обод бўлаётган гўшалар

► (Давоми. Боши 1-бетда)

АДИРЛАРДА ЯНГИ БОҒЛАР

Шиддатли ёмғир остида Шахрисабз шаҳридан тоғлар сари, Мироқи кўрғонини кўзлаб йўлга чиқдик. Ҳамроҳим туман сув таъминоти идораси бошлиғи Азамат Дўстмуродов 30 лардан ошган, кўркем, камгап йиғит “Нексия” машинасини бошқариб борарди. Кўп ўтмай тоғ олди қишлоқлари, адирлар бошланди. “Улаш” қишлоғининг теппасига, тоғлар пойидаги узоқларга чўзилиб кетган паст-баланд адирларга етиб келганимизда шаррос ёмғир қорга айланди. Адир йўллари текис асфальтланган. Боғлар бошланадиган жойда қўш қаватли маъмурий бино тикланган.

Атрофида ҳайдов тракторлари, дори пургагич мосламалар кўзга ташланади. Ниҳоллар “Оқсув”дан олинган сув билан томчилатиб суғорилар экан. Тожик миллатига мансуб, тоғлар бағридаги “Сарчашма” қишлоғида туғилиб ўсган 57 ёшли олий маълумотли агроном Нодир Чоршанбиев экилган узум навларини: – “аватор”, “прититса”, “принсесса”, кейин нок навларини: – “кармен”, “велямс” ва бошқа меваларни бирма-бир тилга олди.

– Бу адирда жами 520 гектар ер ўзлаштирилади, – ҳикоя қилади у. – 200 гектари бўлажак чорвачилик комплекси учун ажратилган. Биз 30 гектар майдонга турфа узум, 8 гектарга нок, 49 гектарга олма, бошқа мева кўчатларини экиб, парваришляймиз, кузда яна 20 гектар ерга ниҳол экиш мўлжали бор. Ҳозир иш қизгин. Мен боғдорчиликда анча тажрибага эгаман. Ишонаманки, Президентимиз ёзда келиб, ҳаётий маслаҳатлар берган бу боғ ўсиб-ўнади, катта даромад келтиради, тажриба масканига айланади. Ҳа, тез пишар ва серҳосил мева навларининг кўчатлари Паркентдаги кўчатчилик хўжалигида етиштириб берилмоқда. Сифати қатъий назоратга олинган...

Ўтган йил туманда баҳорда 800 минг тупдан ошиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилибди. Туман экология ташкилоти раҳбари Хуршид Қаршиев ибратли ишлар ҳақида гапириб берди. Туманда йирик ўрмон хўжалиги ва “Хисор” кўриқхонаси бор. Кўриқхона 981 минг гектар майдонни эгаллаган. Айтишларича, ўрмон хўжалиги янгидан 27 гектар майдонда манзарали дарахт кўчатларини етиштиришга киришибди. Имкониятлар эшиги очилмоқда. Янги боғнинг ўртасида, анча баландликдаги қирда 70 ўринли меҳмонхона қурилиши тугалланибди. Демак, меҳмонлар, саёхатчилар обод манзиллар қатори, янги боғлар имконияти билан танишар экан- да ...

ДАРЁ СОҲИЛИДА САЙИЛГОҲ

Тоғ адирлари бағридаги Мироқи кўрғонига етиб келганимизда, қор анча жадаллашган эди. Чўққилари




оппоқ тоғлардан бошланадиган биллур дарё – “Оқсув” илгариги қишлоқ, ҳозир шаҳарча аталаётган Мироқи кўрғонини қоқ иккига бўлиб, пастликка, яшил кенгликларга оқиб кетади. Шу аснода тарих кўз ўнгимда гавдаланди. Бундан 2,5 минг йил олдин грек-рим босқинчилари билан юртимизга келган айрим тарихчилар “Сувӣ оппоқ дарёни кўрдик, олтини кўп экан”, деб ёзиб қолдиришган.

Йўлда шамсияси – соябони устини қор қоплаётган 3-4 синф ўқувчилари Ризабону ва Самия билан суҳбатлашдик. “Ёзда сайилгоҳда мазза қилиб дам олдик, бир неча бор”, дейишди улар шўх-хандон. Мироқи маҳалласида узоқ йиллар турли вазифаларда меҳнат қилган Зулфия Аллаева “Шаҳарчамизга Президентимиз келганларини одамларимиз асло эсдан чиқармайди. Қаранг, йўллар яхшиланди, меҳмонхоналар, сайилгоҳлар барпо этилди, қанчадан-қанча киши ишли бўлди”, дейди фахрлибди.

– Зулфияхон одамларимизнинг кўнглидаги гапларни айтибди, – суҳбатга қўшилади туман нуронийлар кенгаши раиси Баҳодир ака Саидов. – Қўйида –Шаҳрисабзда ёмғир, тепада – Мироқида қор. Ҳа, тоғ ҳавосида!

– Президентимиз 2023 йил 28 ноябрда Қашқадарё вилоятининг тоғли ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этишга оид қарор қабул қилганди, – дея ҳикоя қилади вилоят ҳокимлиги хузуридаги туризм



инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш департаменти бошлиғи Сарвар Қаямов. – Шундан кейин бемисил ишлар бошланиб кетди.

Янги сайилгоҳ ўзига хос. Бундан ташқари, 2 та уч юлдузли 600 ўринли замонавий меҳмонхона ишляпти, янгилари, уй меҳмонхоналари қуриляпти. Сайилгоҳда пиёдалар, вилосепидчилар йўлақлари, турли-туман ўйингоҳлар, “Ёшлар боғи”, “Нуронийлар маскани” ва бошқа ўнлаб кичик иншоотлар барпо этилган. Ҳозирча аниқ ҳисобини олганимиз йўқ. Аммо ҳар куни 4-5 минггача меҳмонлар ташриф буюргани рост. Бир қанча хорижлик сайёҳлар келиб-кетишди. Ҳа – я, “дор йўли” ишлаб турибди, шаҳарчадан тоғ ён бағирларигача – маҳкам сим арқонлар тортилган. Саёхатчилар қор ёққанда ҳам келиб, беназир табиат, тоғ ҳавосидан баҳра олишяпти.

– Мен анча йил Россияда ишлаб юрдим, ўзим устаман, – дейди Шерзод Ҳамидов. – Ҳовлимиз ҳам яқинимизда. Дарё қирғоғидан ер ажратишгач, қўш қаватли уй меҳмонхонасини кўрдик. Биринчи қавати битган, анча меҳмонларни қабул қилдик. Иккинчи қаватини шу йил битказамиз.

Ғурур билан айта оламаник, “Оқсув” соҳилидаги бу сайилгоҳ дунёнинг биронта мамлакатаида йўқ. Балки бундан-да кўркем, қўлайликлари кўплари бордир. Аммо бу оромгоҳ ягона, лойиҳаси ўзига хос, табиати беназир. Меҳмонлар, марҳамат, келиб дам олинг!

ОНАЖОНИМ ТАБИАТ

Мироқи қишлоғи яқинида 2023–2024 йилларда 23 миллиард сўмга оқова сувларни тозалаш иншооти барпо этилди. Яна туризм объектлари қурилаётганлиги туфайли бир кеча кундузда 2 минг кубометр оқова сувни тозалаш қувватига эга янги иншоот қуриб битказилар экан. Лойиҳаси тузилган, маблағлар ажратилган.

Ҳамроҳим Азаматжоннинг машинаси тоғ йўлидан юриб бориб катта дарвоза қаршисида тўхтади. Тепада 140 миллион кубометр сув сақлай оладиган сунъий денгизнинг мустаҳкам тўғони яққол кўзга ташланарди. Сув омборидан отилиб чиқаётган сув улкан трубиналарни айлантириб, энергия ҳосил қилади. Янги лойиҳалар амалга ошяпти. Мен шу куни янгидан қурилаётган 3 та – Работ, Чаппасув, Тамшув ГЭСлари бунёдкорлари раҳбари Ўктам Умаров билан суҳбатлашдим. Унинг айтишича, қор ёққанда ҳам иш тўхтамас экан.

Мироқидан пастликка – Шахрисабз шаҳри томон эниб борар эканмиз, машина ойнасидан оппоқ учқунларни кузатардим. Шу аснода буюк шоиримизнинг қалб даъвати тилимга келди:

– Она бўла қолгин, менга табиат!

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

ХОРИЖ

ФИНЛЯНДИЯ: ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ СИМСИЗ ЎЗАТИШ ТИЗИМИГА ЎТИЛМОҚДА



Хельсинки университети хабарларига кўра, Хельсинки ва Оулу университетлари тадқиқотчилари электрни кабелсиз ҳаракатлантиришининг илғор усуллари устида иш олиб боришмоқда. Хусусан, финляндиялик олимлар электр қувватини ҳаво орқали – ҳеч қандай жисмоний симлардан фойдаланмаган ҳолда узатишга муваффақ бўлишган. Бу жараёнда тадқиқотчилар ультратовуш тўлқинлари ва лазер нурларидан фойдаланишган.

Ушбу технологиялар глобал саноат учун янада мослашувчан ва кабеллардан холи янги инфратузилма сари ташланган жиддий қадамдир.

ЛОНДОН: БОЛАЛАР УЧУН ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ТАҚИҚЛАНИШИ МУМКИН



Интернетдан болаларни яхшироқ ҳимоя қилиш мақсадида Буюк Британия ҳукумати турли чора-тадбирларни кўриб чиқмоқда. Улар орасида – Австралия яқинда жорий этганидек, вояга етмаганлар учун ижтимоий тармоқларни тақиқлаш эҳтимоли ҳам бор. Шунингдек, ўрганилаётган имкониятлар қаторида мактабларда мобиль телефонлардан фойдаланиш бўйича янада қатъий тавсияларни жорий этиш масаласи ҳам мавжуд. Бу ҳақда Лондондаги ҳукумат душанба, 19 январ куни маълум қилган.

Австралия бир ой аввал дунёда биринчи бўлиб 16 ёшгача бўлган болалар учун ижтимоий тармоқларни тақиқлаган давлатга айланган эди. Ўтган ҳафта Дания 15 ёшгача бўлган болаларга ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни тақиқлаш режаларини эълон қилди. Европа даражасида эса Европа комиссияси яқинда YouTube ва Snapchat каби платформалар вояга етмаганларни ҳимоя қилиш бўйича Рақамли хизматлар тўғрисидаги қонун (DSA) талабларига мос келиши-келмаслигини текширишини маълум қилди.

АҚШ: СПОРТЧИЛАР ВИЗА ЧЕКЛОВИДАН ОЗОД ҚИЛИНДИ



Reuters” агентлигининг хабарига кўра, АҚШ маъмурияти йирик мусобақаларда иштирок этадиган спортчи, мураббий ва тегишли ходимларни 39 мамлакат учун жорий этилган виза чекловидан озод қилган.

Маълумот учун, бу 2026 йилги ФИФА жаҳон чемпионати, 2028 йилги Олимпия ўйинлари, Панамерика ва Паралимпия ўйинлари, шунингдек, миллий федерациялар ҳамда “Formula-1” каби профессионал лигалар мусобақаларига тегишли.

Интернет материаллари асосида
Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

МУАССИС:



O‘ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY’ATI:

Ulug‘bek INOYATOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 137. 2799 nusxada bosildi.

Nashr ko‘rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O‘za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:10

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda